# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2003 YIL 17 APREL, PAYSHANBA

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№51 (6.576). Sotuvda erkin narhda


## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

● Наманганда ғалла парвариши ва баҳорги экиш-тикиш ишларини жадаллаштиришга бағишланган йиғилиш бўлди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқариб, вилоят деҳқонлари олдидаги шу кунги долзарб вазифаларга алоҳида тўхталди.

● Тошкентда Ўзбекистон ва Япония ўртасида ҳаво алоқаси тўғрисида ҳукуматлараро битимни расмий имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органларининг жорий йил дастлабки чораги якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмитанинг шу йил биринчи чорагидаги фаолияти якунлари ва божхона органлари олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

● Ўзбекистон Банклар ассоциациясида Марказий банк, Халқ банки ва «Прагма» корпорацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган «Тижорат банкида ички аудитни ва назоратни ташкил этиш» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

● НАВОИЙ: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари миллий маркази ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган қўшма семинар «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш - Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштириш» мавзуига бағишланди.

● НУКУС: 17-21 апрел кунлари Вашингтонда «Ўзбекистон музейлари дурдоналари» деб номланган кўргазма ташкил этилади.



Боёвут туманидаги "3-Боёвут" ширкатлар уюшмаси ишчиси Замира Сафарова пилла ва пахта етиштиришда катта тажрибага эга. У ҳар бир ишини пухта ва мукаммал бажариб, кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Замира жорий йилда ҳам ана шу ишончни оқлаш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Замира Сафарова.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11 сессияси олдидан*

# МУКАММАЛЛИК САРИ

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси очилишига ҳам саноқли кунлар қолди. Унинг кун тартибига киритилган масалалар ҳам сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган. Ушбу сессияда кўриладиган масалаларни, қабул қилинадиган қонунларни ҳар томонлама мукаммал ва пухта тайёрлаш учун парламентнинг барча қўмита ва комиссиялари қизғин иш олиб бордилар. Жумладан, Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси ҳам олдинги ўтган сессиядан кейин ва бўлажак сессиягача мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантиришга доир бир қанча муҳим масалаларни кўриб чиқдилар ва қўмита фаолияти билан боғлиқ соҳаларга доир чиқарилажак қонунларнинг мукаммал бўлишига ҳаракат қилдилар. Қўмита раиси Искандар Қаландаров бу хусусда мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.**

-Қўмитанинг ўтган йил декабр ойида бўлиб ўтган йиғилишида йил давомида олиб борилган ишларга якун ясалиб, келажакда қабул қилинадиган янги қонунлар, амалдаги қонунлар ижросининг назорати, давр талаблари асосида уларга зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масалалари атрофлича муҳокама қилиниб, жорий йил иш режаларига киритилиб, тасдиқланган эди.

Қонунчилик соҳасида қўмита ташаббуси билан "Тупроқ унумдорлиги тўғрисида"ги, шунингдек, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги қонунларнинг янги таҳрири бўйича муайян ишлар олиб борилди. Қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида жойларда ерга бўлган муносабат, ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва бошқарув тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бераётир. Қишлоқ хўжалигида мулк шаклининг ўзгариши натижасида жамоа хўжаликлари ўрнида кўплаб фермер ва деҳқон хўжаликлари пайдо бўлмоқда.

Айни чоғда қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ерлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида уларнинг шўрланиш даражаси ортмоқда. Алмашлаб экишга етарлича эътибор берилмаётганлиги натижасида тупроқ унумдорлиги кескин пасайиб кетаяпти. Суғорилган экин ерларининг чекланганлиги, мулкчилик шаклларининг кескин ўзгариши, яъни кўплаб фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларини белгилаб олишни инобатга олган ҳолда юқоридаги икки қонун устида жадал ишлар олиб бориб, кейинги сессияларга киритиш кўзда тутилмоқда. Қонунлар мукаммаллигига эришиш мақсадида бу борада жамоатчилик фикрига таяниш, республикамизда кўзга кўринган мутахассис ва олимларни жалб этиш, энг асосийси, бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг фикрлари, талаблари ва истакларини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг илмий-амалий асослари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда тегишли вазирлик, идоралар ва илмий текшириш институтлари, чет эл ташкилотлари вакиллари ҳам фаол иштирок этишди. Худди шунингдек, Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти билан биргаликда аграр соҳадаги ҳуқуқшунос-олимлар иштирокида "Аграр қонунчилик муаммолари" мавзусидаги илмий-амалий анжуман ҳам ташкиллаштирилди. Ҳар иккала конференция материаллари алоҳида тўпламлар сифатида чоп этилди.

Анжуманлар йиғилишларида юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг иқтисодиётимизга таъсири, унинг натижалари тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилди. Демократик ўзгаришлар жараёнида бозор муносабатларига ўтиш даврининг янги поғонасида қонунчилик соҳасида олиб бориладиган ишлар, унинг йўналишлари аниқлаб олинди.

"Тупроқ унумдорлиги тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш борасида айрим муаммо ва масалаларга ойдинлик киритиш мақсадида шу йил март ойида "Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш" мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Унда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда алмашлаб экишнинг муҳим аҳамиятга эгалиги алоҳида таъкидланди. Шу билан биргаликда ер эррозиясига қарши кураш, иҳота дарахтзорларни ташкил этиш, сувдан оқилона фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш сингари долзарб масалаларга алоҳида эътибор бериш лозимлиги таъкидланди. Тупроқшунослик бўйича шуғулланадиган мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириб бориш масалаларини ҳам қонун лойиҳасига киритиш таклифлари ўртага ташланди.

Қўмитанинг тасдиқланган иш режасига асосан йилнинг биринчи чорагида Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларида "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг ижроси бўйича назорат таҳлил ишлари олиб борилди. Қонун ижросини ўрганиш жараёнига жалб этилган қўмита аъзоларининг, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларининг хулосасига кўра вилоятларда фермер хўжаликлари сони уч йил давомида кескин ортган. Уларга ажратилаётган ер майдонлари ҳажми кенгайиб бормоқда. Фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича вилоятларда истиқболга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқилган ва тегишли ҳокимликлар қарори билан тасдиқланган. Фермерларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи ортиб бормоқда.

Жойларда фермерларга хизмат кўрсатувчи сервис ташкилотлар сони кўпаяяпти.

Шу билан бирга баъзи ҳолатларда фермер хўжаликларини номигагина ташкил этиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бу айниқса, жойларда маҳаллий ҳокимлик вакилларининг, тегишли ташкилот раҳбарларининг, қолаверса, асосан ташкил этилган фермерларнинг қонун талабларини тўла тушуниб етмаётганликлари, унинг айрим моддаларини бажармаётганларидан дарак беради.

Фермер хўжаликлари билан тайёрлов ташкилотлари, хизмат қилувчи, молия идоралари ва банклар ўртасидаги ўзаро шартномалар тузиш ва уларга сўзсиз амал қилишдаги хато ва камчиликлар фермер хўжаликларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий омиллар сирасига киради. Айниқса, тузилган шартномаларда ҳали анча камчиликлар бор. Кўп ҳолларда ишлаб чиқарувчи, яъни фермернинг ҳуқуқлари чегаралаб қўйилган. Қолаверса, ҳали кўпчилик фермерларнинг шартномалар билан ишлаш борасидаги ҳуқуқий билимлари етарли эмас.

Қонун ижросини ўрганиш жараёнида, унинг баъзи моддалари бугунги кун кўп талабларига жавоб бера олмай қолаётганлиги, айрим қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритиш зарурлиги ҳам маълум бўлиб қолаяпти. Фермерларга ер ажратиб бериш ва уни рўйхатга олиш тартиб-қоидалари, шартномалар тизимини яратиш, уларнинг ижроси бўйича назорат ўрнатиш, сервис хизмати кўрсатувчи ташкилотлар, монополь тайёрлов идораларининг фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш масалалари ана шулар жумласидандир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда амалдаги "Ер кодекси", "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида"ги ва яна бир қанча қонунларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни ҳам навбатдаги сессия йиғилишлари кун тартибига киритиш режалаштирилган.

Қўмита Олий Мажлиснинг ушбу сессияси кун тартибига киритилган масалалар ва қонун лойиҳалари юзасидан ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, тегишли таклифлар киритди.

Бўлажак сессияда ҳам мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этадиган қонунлар қабул қилиниши кутилаётир.

"Қишлоқ ҳаёти" мухбири А.КАРИМОВ ёзиб олди.

ТААССУФ

# МАНҒИТГА УЛАНИШ ОСОНМИ?

***Ўтган йили бир гуруҳ амударёлик қишлоқ хўжалиги мутахассислари хизмат юзасидан Самарқандга боришганди. Уларга ўзлари ишлайдиган корхоналарга кунда, кун ора ҳисобот бериб туриш топширилган.***

Албатта, бунинг учун телефон алоқасидан фойдаланиш лозим. Йигитлар шаҳардаги марказий АТСдан Манғитга телефон орқали гаплашиш учун буюртма беришди. Оператор қизлар "Алло, Манғит!" дея қанча овора бўлишмасин, Манғитга уланишнинг имкони бўлмади. Пировардида самарқандлик алоқачилар:

-Меҳмонлар, дунёнинг хоҳлаган шаҳрини, Нью-Йорк, дейсизми, Лондонми, бир дақиқада улаб берайлик, фақат Манғитни эмас, - дейишга мажбур бўлишди.

Юқоридаги воқеани батафсил таърифлашимизнинг сабаби бор. Боиси, Қорақалпоғистонда Амударё туманидаги телефон алоқасининг ёмонлигидан шикоят қилмаган мижозни топиш қийин. Беш-олти йилдирки, ҳатто Манғитга қўшни бўлган абонентларнинг бир-бири билан телефонда бемалол гаплашиши амри маҳол. Қишлоқлар билан алоқа ҳақида-ку, индамай қўя қолган маъқул. Ҳатто, баъзилар "Куюккўприк ёки Китоб овуллари билан телефонда гаплашгандан ўша ёққа ўзимиз бориб қайтганимиз тузук", дейишади.

Хўш, техника ғоят ривожланган бир даврда 150 минг аҳоли яшаётган Амударё туманида телефон алоқаси тизимидаги носозликларни қандай тушуниш мумкин? Ана шу саволга аниқлик киритиш мақсадида Амударё тумани ҳокимининг қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари бўйича ўринбосари Отажон Ўразбоевга мурожаат этдик.

-Бу вазифага тайинланганимга кўп бўлгани йўқ, - дейди ўринбосар. – Аммо, ишга келган кунимдан бошлаб туманда телефон алоқасининг нима сабабдан ёмонлашиб кетгани билан қизиқдим. Соҳада аҳволни ўнглаш мақсадида мутахассислар билан бафуржа маслаҳатлашдик. "Қорақалпоқтелеком" филиали раҳбарларини туманга таклиф қилдик. "Ўзбектелеком"дан, Япониянинг нуфузли фирмаларидан вакиллар келишди. Янги АТС учун 200 метр линолеум, 270 кило бўёқ, 79 дона шифер ва бошқа материаллар зарурлиги ҳисоб-китоб қилинди. Биз ўз имкониятларимизга кўра баъзи ашёларни топиб бердик. Биласизми, ҳар йилнинг биринчи чорагида Амударё туманига шиша толали кабел тортиш, замонавий АТС қуриш режага киритилар экан-у, бу режалар кейинги йилнинг охиригача қоғозда қолиб кетаверар экан. Бу йил ҳам худди шу ҳолат такрорланмаса эди, дея ташвишланаяпмиз. Чунки йилнинг биринчи чораги ҳам ўтди. "Телеком"дагилардан ҳамон дарак йўқ...

Туман телекоммуникация тармоғи бошлиғи Ортиқбой Шомуродов билан суҳбатдан ҳам тўла-тўкис қониқиш ҳосил қилолмадик.

-АТС жиҳозлари ҳар томонлама эскирган, - дея истар-истамас гурунгни бошлади бошлиқ. – Биринчи АТС 1979 йилда, иккинчиси 1985 йил ишга туширилган. Шу сабабли Манғит шаҳридаги 4 минг абонентдан 2743 таси, овуллардаги 3 мингтадан 2 мингтаси зўрға ишламоқда. Хуллас, туманда хориж билан, асосан Япония билан ҳамкорликда шиша толали кабел тортиб келтирилиб, янги АТС ишга туширилмас экан, мижозлар талаби даражасида иш олиб боришга кафолат бера олмаймиз. "Ўзтелеком"-нинг Қорақалпоғистон филиали раҳбариятининг берган қатъий ваъдаларига биноан янги АТС учун махсус бинони жиҳозлаяпмиз. Аммо кабел тортиш, асбоб-ускуналарни келтириш, умуман замонавий телефон алоқасини йўлга қўйиш тўғрисидаги саволингизга аниқ жавоб беришим мушкул...

Манғитда бўлганимизда аҳолини яна бир муаммо қийнаётганига гувоҳ бўлдик. Манғитликлар Тошкент ва Нукус теледастурларини меъёрдагидек кўра олишмаётган эканлар. Масала шундаки, Манғитдаги трансляция станцияси эскирган, устига устак анча кучсиз. Шу туфайли манғитликлар фақат Туркманистон ва Россия телевидениеси дастурларини кўриш билангина чекланишмоқда. Аҳолининг мамлакатимиз телекўрсатувларини кафолатли тарзда, мунтазам томоша қилиб боришлари муаммосини ҳал этиш ҳам шиша толали кабел тортиб келиш ва янги станция қуришга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Бу муаммо айни пайтда қай даражада экани билан қизиқиб, куни кеча атайин Манғитга телефон қилдик. Аммо, "Алло, Манғитми?", дея ҳар қанча қичқирмайлик, уринишларимиз самара бермади. Демак, аҳвол ҳамон ночор бўлиб турибди. "Ўзтелеком" мутасаддилари ҳам Манғит билан телефон орқали боғланишга бир уриниб кўришса, дуруст бўларди, назаримизда.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

БАҲОРГИ ЧАҚИРУВ

# ҲАМ ШАРАФ, ҲАМ БУРЧ

***Бугунги кунда мамлакатимизда ҳарбий соҳада ҳам чуқур ислоҳотлар ўтказилаётир. Жумладан, ҳукуматимиз томонидан ҳарбий соҳага доир қабул қилинаётган қонун ва қарорлар Қуролли Кучларимизни етук мутахассислар билан тўлдириш, миллий қўшинимизни профессионал армия даражасига етказиш учун қилинаётган саъй-ҳаракатлардир.***

Қуролли Кучларимиз сафида талабга жавоб берадиган, замонавий қурол-аслаҳалардан, ҳарбий-техникаларнинг сирларидан воқиф бўлган ва улардан маҳорат билан фойдалана оладиган, жисмонан бақувват, юксак ақл-заковатли йигитлар хизмат қилишини давр тақозо этмоқда.

Зеро, Президентимизнинг яқинда нашр этилган "Миллий Армиямиз мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" номли китобида ҳам Миллий армиямиз сафида хизмат қилаётган ҳарбийларимиз нафақат жисмонан бақувват, балки энг замонавий ҳарбий техника ва технологияларнинг сир-асрорини пухта эгаллаган бўлиши алоҳида таъкидланган.

(Давоми 2-бетда)

МУАММО

# СУВНИ ТЕЖАНГ, БОЙ БЎЛАСИЗ

- **Сув тақсимотида ҳикмат кўп.**
- **СФУлар ишлаяпти, аммо...**
- **Гидропостлар керакми?**

***Яқинда хоразмлик бир фермер билан танишиб қолдим. У тушкун кайфиятда эди.***

-Очиғи, ўтган йилги натижаларимиз ҳақида гапиришгаям уяламан, - дейди у. – Деҳқончиликдан кўзлаганимиздек даромад қилолмадик. Ғалла бўйича давлат шартномасини зўрға уддаладик. Пахтани-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Аслида айб ўзимизда. Экинни яхши суғоролмадик. Яхшиямки, ўттиз сотихлик иссиқхонамиз бор эди, унда етилган маҳсулотлардан сотиб, аъзоларимизни рози қилдик. Агар ҳолатни чуқурроқ таҳлил қилсак, сув етарли, аммо унинг тақсимотида тартиб йўқ.

Сув. Табиатнинг шу неъматисиз деҳқончиликни тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун чўлларнинг боғу бўстонга айланиши ҳам, шаҳарлару қишлоқларнинг ободлиги ҳам оби-ҳаёт туфайли. Ҳаётнинг ўзи ҳам сув билан боғлиқ.

(Давоми 2-бетда)

ЭҲТИЁТ - ШАРТ!

# КУШХОНАСИЗ ҚИШЛОҚ

**БУ ЕРДА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИГИ ХАВФИ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИ.**

***Қишлоқдаги дўконларнинг бирида ветеринария врачи мол гўштини назоратдан ўтказган бўлди-да, унга муҳр босди.***

Ўз навбатида қассоб бир килоча келадиган лаҳм гўштни ветеринарнинг қўлига тутқазди. Бу қисқа жараён чамаси қассоб учун гўштни сотишга рухсат олганини, врач учун эса вазифаси битганини англатарди.

Шунда беихтиёр Бухоро вилоят эпидемияга қарши кураш комиссияси вакилларидан бирининг куюнчаклик билан "Қорамол ва қўйларни сўйиш фақат кушхоналарда ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим" деганини эсладим.

-Бунинг сабаби бор, - дейди вилоят давлат санитария-эпидемиология маркази бош ҳакими Х.Қосимов. – Одатда кушхоналардан ташқарида, яъни қорамол эгаси ёки қассобнинг ҳовлисида сўйилган молларнинг истеъмолга яроқсиз қисмлари ахлатхонага чиқариб ташланади.

(Давоми 2-бетда)

БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ

# АДАБИЁТДА ДАВР РУҲИ

***Бадиий адабиёт – руҳий озуқа манбаи, кўнгилда турфа ҳисларни уйғотувчи мўъжизадир.***

Китоб ўқимаслик – маънавий қашшоқликнинг белгиси, ўқимоқлик – саодат. Мутолаа завқининг ўрнини бошқа бирор нарса боса олмайди. Яхши асарларни ўқисангиз адоғи йўқ, биров тортиб ололмайдиган бойликка эга бўласиз. Ўзбекистон Миллий Университетининг Ҳозирги ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси, филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов билан ҳозирги адабий жараён ҳақида суҳбатлашдик.

**-Анъанавий саволимиз: Беш рақамига муносабатингиз?**

-Умримнинг 20 йили турли ўқув даргоҳларида таълим олиш, 45 йили муаллимлик қилиш билан ўтгани сабаб 5 рақами менга биринчи галда билимнинг олий баҳоси рамзи бўлиб кўринарди. Гарчи мен ҳамиша барча фанлардан 5 баҳога ўқиган, ўқувчи-талабалар билимини баҳолашда 5 га ҳийла "хасис" бўлсам-да, охир-оқибат беш баллик баҳолаш тизими инсон билими даражасини аниқлашнинг одилона мезони эмаслигига тўла ишонч ҳосил қилдим.

(Давоми 4-бетда)

МУЛОҲАЗА

# АСЛИНГ КАБИ КЎРИН

***Яқинда "Халқлар дўстлиги" саройида шоу бизнес оламига эндигина кириб келаётган ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодини кенг тарғиб қилиш мақсадида йилнинг энг яхши ижодкорларига аталган "Тарона" совринини ўз эгаларига топшириш маросими бўлиб ўтди.***

Аввало, мазкур тадбир хусусида икки оғиз сўз.

"Тарона" тақдимоти ўтказила бошлаганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. "Ўзбекнаво" ГКБ ҳамда "Тарона рекордс" компаниясининг қўшма дастури бўлмиш бу тақдимот илк бор 2000 йилда ўтказилган ва 12 номинация бўйича йил ғолибларини аниқлаб берганди. Ўшанда бу маросим ўзбек шоу бизнесида ўзига хос янгилик бўлганди, десам янглишмайман. Тақдимот маросимини ўтказиш доираси, номинациялар мавзусининг йилдан-йилга сайқал топиб боргани ва ҳар бир тадбир олдидан эстрадамизнинг умидли ёшларини аниқлаш катта байрамга айланаётгани фикримизнинг яққол исботи бўла олади. Ўзига хос саҳна безаклари, бетакрор мусиқий оҳанглар, ажойиб фотоэффектларнинг ўзаро уйғунлиги маросим кўркига кўрк қўшгани ҳам бор гап.

(Давоми 4-бетда)

## ҲИКМАТ

*Суқлик бир дард эрур,*
*унга йўқ даво,*
*Дунё ҳакимлари*
*беролмас шифо.*
*Емоқ, ичмоқ билан қорни*
*оч тўяр,*
*Кўзи оч очлигин*
*ўлганда қўяр.*

**Юсуф Хос Хожиб**


**КЕЛГУСИ СОНДА:** КУТУБХОНА НАЖОТ СЎРАЙДИ | ДОИМИЙ НАЗОРАТДА | ДАСТЕРГИНА ҚИЗАЛОҚ

# ЎТКИРБЕКНИНГ ҒАЙРАТИ

***Ёзёвонлик фермерлардан бири Ўткирбек Жалиловга кўпчилик ҳавасманд. Чунки у тажрибали деҳқонларнинг маслаҳатларини олиб кам бўлгани йўқ.***

- 1999 йили 15 гектар олганимизда қаровсиз ажриқзор ерни ижарага олгандик, - дейди фермер. - Уни тозаладик. Биринчи йили сувдан қийналдик. Кейинги йили бу ҳам ҳал

## ИНТИЛИШ

этилди. Ҳозир "Навқирон", "Оқ чашма", "Ҳамал", "Ҳосилот" фермер хўжаликлари билан келишиб, сув оляпмиз.

Фермернинг айтишича, сув тақсимоти билан СФУлар шуғулланаяпти. Шу боис сувдан фойдаланувчилар орасида муаммо йўқ.

-Юртбошимизнинг "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонини газетада ўқиб қувондим, - дейди Ўткирбек. – Бу ҳужжат фермерларга катта имконият яратади. Энди юқоридан уни эк, буни эк, деган топшириқ беришлар бўлмайди. Чунки илгари ноўрин берилган кўрсатма бизга ҳалақит берарди-да. Масалан, ўтган йили туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидагилар менга чигитнинг "Тошкент-6" навини экиш ҳақида топшириқ беришди. Натижада ер шароитимизга бу нав тўғри келмай анча муаммолар юзага келди. Шунинг учун ҳам шартномани кечроқ бажардик. Аслида ўтган йили "С-2509" навини экмоқчи бўлгандим, бизнинг шароитга шу нав тўғри келарди-да.

Фермер бу йил "Обод маҳалла йили" муносабати билан ўзи истиқомат қилаётган "Йўлдошобод" маҳалласига гузар қуриб бериш ниятида. Гузарда чойхона, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, тўйларни ўтказишга мўлжалланган катта бино бўлади. Натижада бир неча киши иш билан таъминланади.

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ,**
**Фарғона вилояти.**

# "ДОНИ"НИНГ ДОВРУҒИ ТИЛЛАРДА ДОСТОН

ТАДБИРКОРЛИК

***Деҳқон умид билан ерга уруғ сочади, тинмай меҳнат қилади. Сочган уруғи сифатли бўлса ҳосили яхши, сифатсиз бўлсачи, меҳнатига куяди, вақтдан ютқизади.***

-Эрта баҳорда бир гектар ерга пиёз эккандик, - дейди бойсунлик Чорибой ака. – Сийрак чиқди. Эсиз, қилган харажатга куйдик.

-Уруғни қаердан олгандингиз? – сўраймиз.

-Бозордан. Килосини уч минг сўмдан.

Қишлоқда бундай ҳангомалар учраб туради. Улар орасида Чорибой акага ўхшаб дўппини ечиб, бош қашиб қолганлар ҳам бор.

-Юқори сифатли сабзавот уруғлари оламан, деган киши бизга мурожаат қилсин, - дейди Сирдарё туманидаги "Дони" хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг соҳиби Рифат Мейрбеков. – Фақат пулини тўласа, қандай ва қанча уруғлик зарурлигини айтса бас.



Тадбиркорнинг айтишича, "Дони" фирмаси 1994 йилда ташкил топган. Асосий мақсад қишлоқ хўжалигига юқори навли ва сифатли, сараланган уруғларни етиштириб бериш, янги навларни кўпайтиришдан иборат.

-Уруғларни қайта ишлаш, саралаш ва қадоқлаш мақсадида Германиянинг "Петкус-К-218 Селектра", "Петкус-К-531 Гигант", "Петкус-Форшрит-К-590" ва "Холлер" ускуналарини келтириб ўрнатганмиз, - дея сўзини давом эттиради Дониёр Мейрбеков. – Тайёр маҳсулотларни сотувга чиқариш учун моддий техника базамизда 2 та "КАМАЗ" ва 1 та "ГАЗ-53" русумли автомашиналаримиз ҳам бор.

Очиғини айтганда, республика "Сабзавотнавуруғлари" уюшмаси билан ҳамкорлик фирмага катта имкониятлар берди. Чунки уюшмага қарашли 17 та уруғчилик хўжаликларида катта тажриба тўпланган, йирик мутахассислар ишлаяпти. Ўтган йили уюшма томонидан 75000 АҚШ долларилик 40 тонна сабзавот уруғлари экспорт қилинди. Бу йил 80 тонна уруғликни экспорт қилиш мўлжалланаяпти. Бу албатта, ички бозор талабини қондирган ҳолда қилинди.

Уюшма раҳбарининг ўринбосари Дониёр Мейрбековнинг айтишича, "Дони" фирмасининг имкониятларидан келгусида кўпроқ фойдаланиш уруғчилик тизимига янгиликларни тезроқ жорий этишга кўмаклашади. Чунки, уруғ етиштиришда илмий изланишлар, янгича қарашлар катта самара беради. Серҳосил ва касалликларга чидамли навлар яратиш, уни етиштириш эса Ўзбекистон номини дунёга танитиш билан тенг. Бу миллионлаб даромад ҳам келтиради. Яна "Дони" фаолияти ҳақида сўз юритадиган бўлсак, фирмада маҳсулотни ишлаш, сақлаш ва сотиш учун омборхона ва дўконлар мавжудлигини айтди. Қўшимча иш ўринлари яратишга катта эътибор берилмоқда. 2002 йил 17 нафар киши ишлаган бўлса, 2003 йил яна 10 нафар қишлоқ ёшлари фирмага ишга таклиф этилди.



-Тошкентда савдо кўргазма уйимиз бор, - дейди фирма соҳиби. – Бундан ташқари Янгиер, Гулистон, Сирдарё ва Бахт шаҳарларида савдо дўконларимиз мавжуд. Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Андижон, Сурхондарё вилоятларида ўз ваколликларимизни очганмиз.

Фирма соҳиби маҳалла жонкуяри, ободончилик ишларининг ҳомийси. Унинг саъй-ҳаракати билан "Янги ҳаёт" ширкат хўжалигидаги маҳалла гузари, сартарошхона, дорихона, озиқ-овқат дўконлари ва маҳалла бозорчаси одамлар хизматида.

Ҳозирги пайтда фирмада 15 турдаги экиннинг 38 нави бўйича уруғ етиштирилмоқда. Помидорнинг 6 нави, қалампирнинг 2 нави, ошлавлагининг 3 нави, сабзининг 4 нави, укроп, бақлажон, редисканинг 2 нави ва қовун-тарвузлар уруғлари тайёрланмоқда.

2000 йил фирма республика сабзавот ва картошкачилик илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда помидорнинг янги "Дони-2000" навини яратди. Деҳқон учун сабзавот ва полиз экинларини иссиқхоналарда парваришлаш технологиялари бўйича амалда синаб кўрилган тавсияномалар нашр этилди. Ҳозир уруғчилик ҳақида махсус қўлланмани яратиш устида иш олиб борилмоқда. Бу жараёнда фирманинг фахри, юраги саналган селекционер олимлар фаол иштирок этаяпти. Очиғини айтганда, ишлаб чиқаришнинг илм билан уйғунлашиб кетгани фирмага катта ўзгариш ва ютуқлар келтирди. Уни дунёга танитди.

Фирманинг иқтисодий кўрсаткичлари ҳам хавас қилгулик: 2002 йилни 19304 минг сўм соф фойда билан якунлаган. 2003 йил 1 январ ҳолатидаги баланси 264987 минг сўмни ташкил этади.

Республика сабзавотчилик илмий тадқиқот институти ва унинг Самарқанд, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларидаги таянч пунктлари билан ҳамкорликда шартнома асосида олиб борилаётган ишлар улкан самара бермоқда. Республика реестрига киритилган сабзавот навлари уруғларини вилоят таянч пунктлари ва хўжаликларида шартнома асосида етиштирмоқда. Сабзавотнинг 7 тури бўйича 15 хил янги навлар синовдан ўтказилиб, давлат реестрига киритилди.

2002 йил мобайнида 34 миллион 812 минг сўмлик импорт ва 16 миллион 634 минг сўмлик қишлоқ хўжалик уруғлари экспорт қилинган. "Дони" Германия, Дания, Украина, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, АҚШ ва Япония мамлакатларидаги кўплаб компания ҳамда фирмалар билан алоқа ўрнатган. Мейрбековларни хорижлик тадбиркорлар ҳам нозиктаъб харидор, зукко ишбилармон, уруғчилик бўйича етук мутахассислар сифатида яхши билишади.

-Бозорда қўлбола уруғ ишлаб чиқарувчилар ва олибсотарлар ҳам бор, - дейди Рифат Мейрбеков. – Айрим учарлар мижозни алдаб, маҳсулотини сотишади. Оқибатда деҳқон азият чекади. Айтганингиздек, харажатга куйиб, вақтни бой беради. Маслаҳатим уруғлик харид қилишда ҳушёр бўлинг. Танлашда адашманг. Истак бўлса, бизга мурожаат қилинг. "Дони" фирмаси кафолатли хизмат, ишончли ҳамкор бўла олади.

**Абдунаби АЛИҚУЛОВ,**
**Бекзод ҲОТАМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбирлари.**






**ҚОВУН**
**"Гурлан"**



**САБЗИ**
**"Нант"**




# БЎЗ ТОЛАСИ

***Андижон – Тошкент йўлидан Бўзга қараб келар экансиз, туман ҳудудига кираверишда ажойиб манзарага нигоҳингиз тушади. Йўлнинг бир ёқасида текис ўсаётган теракларнинг барглари шабодада ўйноқлаётир.***

***Теракларга туташган ям-яшил буғдойзор мавжланаётир. Йўлнинг у ёқасидаги қатор тутлар ҳам барг чиқараётир. Бугун-эрта ипак қурти боқиш ҳам бошланадиганга ўхшайди. Беихтиёр, ўтган йили етиштирилган пилла сотилдимикан, пиллакорлар бу йил қуруқ ваъдаларга ишонишармикан, деган саволлар хаёлдан ўтади. Тутқатор бағридан бошланган майдонларда экилган чигит униб чиқибди. Бир иккитадан чин барг ҳам чиқарибди.***

Мамлакатимизнинг қайсидир туманида ҳали чигит экиб тугалланмаган бир паллада андижонликларнинг бу қадар илдамлаб кетгани илғор технология – чигитни плёнка остига экиш шарофатидан.

Баҳорнинг эрка қуёши гоҳ булутлар бағрига кириб кетса, гоҳ юз кўрсатиб заррин нурларини сочади. Плёнка остига экилган чигит эгатларига қарасангиз кўзингиз жимирлаб кетади. Бўзда пахта етиштиришнинг ўзига хос машаққатлари бор. Чунки бу жойларнинг ерлари ва табиий иқлим шароити чўлни эслатади. Шундай бўлишига қарамай, йилдан-йилга туман пахтачилигида ижобий натижалар яққол кўзга ташланаётир. Ўтган йили туман бўйича ҳар гектар майдондан режадаги 29,5 центнер ўрнига 31 центнердан ҳосил етиштирилди. Нав кўрсаткичлари ҳам юқори бўлди.

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдуллаев берган маълумотга кўра, бу йил 6951 гектар майдонларда чигит экилиб, шу кунгача ҳамма жойда кўчат ундирилган. Туман бўйича чигит экилган майдонларнинг деярли тўқсон фоизида ниҳоллар бир-иккитадан чин барг ҳам чиқарган. Ҳосилдан умид катта. Изланиш, камхарж қилиб унумлироқ ҳосил оладиган илғор усулларни ишлаб чиқаришга жорий этишда андижонликларнинг мамлакатда ўз ўрни ва мавқеи бор.



-Жорий йилда ер шароитига қараб плёнка остига чигит экишнинг яна бир янги усулидан фойдаланилди, - дейди туман ҳокимлиги қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бош мутахассиси Солижон Ёқубов. – Бунда қуёш нуридан кўпроқ фойдаланиш, сувни тежамлироқ сарфлаш ва ниҳоллар униб чиқиш жараёнида қулайликлар борлиги эътиборга олинган. Албатта, пахтачиликда нечоғли кўп ҳосил етиштирилса, уни қайта ишлайдиганлар фаолиятида ҳам узилишлар бўлмайди. Шундай корхоналарда ишлаётган юзлаб ишчи-хизматчилар мўмай-мўмай даромадга эга бўлади.

Бўз пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ҳам Андижон – Тошкент йўлининг бўйида жойлашган. Мазкур корхонада туман хўжаликларида пахтакорлар етиштирган ҳосил қайта ишланади. Ҳиссадорлик жамияти биноси туман марказидаги шоҳкўчага чирой бахш этиб турибди. Ҳиссадорлик жамиятига ташриф буюрган кишининг бахри дили очилади. У жойдаги ободончилик, саранжом-саришталик ҳавасингизни уйғотиши табиий. Мевали дарахтлар гулга кирибди. Янги экилганлари ҳам амал олибди. Турфа хил гуллар ўтқазилиб, гулзорлар қилинибди.



Корхона ҳудуди текис асфальтланибди. Ҳовузларда нилуфар гуллари.

Қувончлиси, корхонада ишлаб на-

## ТАРАҚҚИЁТ

фақага чиққан, қариялик гаштини сураётган мўйсафид отахонлару, муниса онахонлар ўз қўллари билан мевали дарахтлар ўтқазишиб, "Нуронийлар боғи" барпо этишибди. Дарахт экиб, боғ яратишда хислат кўп-да!

"Андижонпахтасаноат" вилоят бирлашмаси раиси Ҳамидулло Насирдиновнинг Бўз пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида билдирган фикрлари ёдга тушди. Дарҳақиқат, ҳиссадорларга ишлашлари, овқатланишлари ва маданий дам олишлари учун шарт-шароитлар яратилгани боисидан бўлса керак, у жойда ким билан суҳбатлашмайлик, уларнинг кайфияти кўтаринки. Шундоққина юз-кўзларидан шу жамият ҳиссадори эканидан фахр туйғуси борлигини сездик.

Ўрта бўйли, буғдой ранг, камгап ва фикрларини мулоҳаза билан баён этаётган Иномжон Латиповни бундоқ қараган киши жамият раиси демайди. Андижонлик раҳбарларнинг кўпи шундай – уларнинг нигоҳларидан тортиб, гап сўзларигача камтаринлик аломати сезилиб туради.

Жамият раиси билан корхонани айланар эканмиз, иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, бозор иқтисодиёти шароитида ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, хом ашё, электр энергия ва бошқа ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, камроқ харажат қилиб, кўпроқ фойда олиш йўллари хусусида ўзаро суҳбатлашдик. Корхона ўз вақтида реконструкция қилингани, унумдорлиги юқори пахта тозалаш, тола тозаловчи ва жин машиналари янгисига алмаштирилгани боисидан йил якунида катта иқтисодий фойда олинди. 303 нафар ишчи-хизматчилар фаолият кўрсатаётган жамоада 35 миллион 629 минг сўм соф фойда кўрилди. Ҳисобчилардан олинган маълумотга кўра, бир сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқаришга 97 тийин сарфланди. Ҳар бир дона акциянинг номинал қийматига нисбатан 147 фоиз дивиденд тўғри келди.

Шу йилнинг биринчи чорагида ҳам катта иқтисодий самарага эришилди. Бир миллиард 513 миллион 923 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, биринчи чоракда 18 миллион сўмдан ортиқроқ соф фойда олиш кутилмоқда.

Байрамларни совға-саломлар ва тўкин дастурхон атрофида муносиб кутиб олиш, ишчи-хизматчиларнинг саломатликларини тиклаши ва дам олиши учун шароит яратиш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон ва уруш қатнашчилари, нафақахўрларга моддий ёрдам бериш учун ўтган йили 3 миллион 275 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланган.

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Собир ака Мўминов билан корхонада Наврўз шодиёналарини акс эттирган видеолавҳани томоша қилишни энди бошлаган ҳам эдикки, электр чироқлари ўчиб қолди. "Бизда тез-тез чироқ ўчиб туради, - деб Собир ака хижолатпазлигини яширишга ҳаракат қилади. Қишлоқларда электр муаммоси бир дардга айланди", дейди у.

Ҳиссадорлик жамияти иқтисодчисининг ҳисоб-китобига қарасак, ўтган йили 770,1 соат электр энергияси узиб қўйилгани оқибатида завод 32 кун ишламаган. Пахтани қайта ишлаш кечиккани етмагандек, электр энергияси гоҳ ёниб, гоҳ ўчиши оқибатида қимматбаҳо ускуналар ишдан чиққан, ўн миллионлаб сўмлик зарар кўрилган. Шу йилнинг биринчи чорагида эса 228,4 соат электр энергияси электр тармоқлари корхонаси томонидан огоҳлантиришсиз узиб қўйилди. Оқибатда 10 иш куни йўқотилди. Электр таъминотидаги узилишлар сабабли кутилмаган муаммолар пайдо бўлаётганлиги ҳиссадорларни ўйлантириб қўяётир...

Деҳқоннинг ҳалол ва тинимсиз меҳнатлари эвазига дунёга келган тола вагонларга ортилиб, чет мамлакатларга жўнатилаётир. Тола тойларига Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Бўз пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти манзили кўрсатилган битиклар билан экспорт қилинаётир. Бу бойлигимиз жаҳон бозоридан мамлакатимизга валюта олиб келаётгани кўнгилларга ғурур бағишлайди.

**Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО "ЭЛЕКТРКИМЁСАНОАТ"

Расположенное по адресу: г.Чирчик, ул-.Ташкетская 2, сообщает о существенных фактах своей финансово-экономической деятельности.

Порядок номерного сообщения: 01

Вид общего собрания: годовое

Форма проведения общего собрания: очная

Дата проведения общего собрания: 08.04.2003 г.

Место проведения общего собрания: г.Чирчик, ул.Ташкентская 2, зал заседаний ОАО "Электркимёсаноат".

Кворум общего собрания: от ГАК "Узкимёсаноат" по доверенности №062-963/х от 28.03.03 г. 51% входящий в УФ ГАК "Узкимёсаноат" 1274805 шт. акций.

От ГКИ по доверенности №02/08-388 от 08.04.03 г. 49% не реализованная доля иностранного инвестора 1224813 шт. акций.

Вопросы поставленные на голосовании, итоги голосования и принятые решения по ним:

Первый вопрос. Отчет Наблюдательного Совета. Принято решение.

Принять к сведению отчет Наблюдательного Совета и признать работу за 2002 год удовлетворительной принято единогласно.

Второй вопрос. Перевыборы Наблюдательного Совета. Принято решение.

Утвердить решение Наблюдательного Совета от 06.03.03 г. избрать в состав Наблюдательного Совета Алимову З.Т. и Трубицина О.А.

Утвердить решение Наблюдательного Совета от 06.03.03 г. в соответствии с Указом Президента РУз вывести из состава Наблюдательного Совета Валиева Г.Ш. принято единогласно.

Третий вопрос. Отчет председателя Правления. Принято решение. Утвердить решение Наблюдательного Совета от 06.03.03 г. признать работу – удовлетворительной, принято единогласно.

Четвертый вопрос. Утверждение бизнес-плана на 2003 г. Принято решение.

Утвердить бизнес-план на 2003 год.

Пятый вопрос. Утверждение бухгалтерского баланса, счет прибыли и убытков за 2002 г. Принято решение.

Утвердить бухгалтерский баланс, счеты прибыли и убытков за 2002 год. Принято единогласно.

Шестой вопрос. Утверждение распределения прибыли размеры дивидендов и формы их выплаты. Принято решение.

Утвердить прибыль по итогам 2002 г. и распределить согласно расчета. Принято единогласно.

Седьмой вопрос. О продлении договора найма на 2003 г. с председателем Правления. Принято решение.

Утвердить решение Наблюдательного Совета от 06.03.03 г. о продлении договора найма с председателем Правления на 2003 г. Принято единогласно.

Восьмой вопрос. Утверждение Устава в новой редакции. Принято решение.

Утвердить проект Устава в новой редакции. Принято единогласно.

Девятый вопрос. Утверждение аудитора общества. Принято решение.

Утвердить аудитором общества аудиторскую компанию "OSIYO-AUDIT". Принято единогласно.

Уполномоченный орган - ОАО "Электркимёсаноат".

Принявшие решения – годовое общее собрание акционеров.

## БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС ОАО "ЭЛЕКТРКИМЁСАНОАТ"

(тыс.сум)

| *Наименование статей* | *Актив* | *Пассив* |
|---|---|---|
| Основные средства за вычетом износа стоимость | 8083170 | |
| Нематериальные активы, ост.стоимость | 16713479 | |
| Капитальные вложения | 1441539 | |
| Долгосрочные инвестиции | 33154 | |
| Оборотные активы | 30933891 | |
| в т.ч. дебиторы | 22044748 | |
| Уставной капитал | | 24996183 |
| Резервный капитал | | 1088222 |
| Нераспределенная прибыль | | 48543 |
| Целевые поступления и фонды | - | - |
| Резервы предстоящих расходов и платежей обязательства | - | 31072285 |
| в.т.ч. кредиторы | | 28079004 |
| ИТОГО: | 57205233 | 57205233 |

**ОТЧЕТ О ПРИБЫЛЯХ И УБЫТКАХ**

| *Наименование статей* | *Доходы* | *Расходы* |
|---|---|---|
| Выручка от реализации продукции | 37258709 | |
| НДС | - | 1556855 |
| Чистая выручка от реализации | 35701854 | - |
| Производственная себестоимость | - | 20395930 |
| Валовый финансовый результат от реализации | 15305924 | - |
| Расходы от реализации | - | 824928 |
| Административные расходы | - | 707883 |
| Операционные расходы и доходы | 493182 | 8075864 |
| Общий финансовый результат от общехозяйственной деятельности | 2373786 | |
| Налог на доходы | - | 1397200 |
| Прочие налоги | - | 129297 |
| Чистая прибыль | 847289 | |

Настоящий баланс подтверждается заключением аудиторской проверки ГОФК (Ташкентским областным филиалом компании) "Осиё-Аудит" от 05.03.03 (лицензия №00124 серия АФ от 25.07.01) выданная Министерством финансов Республики Узбекистан.

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ВАЗИР ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛГАН

***Ироқнинг собиқ ахборот вазири Муҳаммад Саид ас-Саҳҳаф 9 апрел куни уйида ўз жонига қасд қилган, деб ёзади Эроннинг "Al-Vefagh" газетаси.***




Газетанинг Деҳлоран шаҳри яқинидаги Эрон – Ироқ чегарасида турган ироқлик қочоқлардан олган маълумотига таяниб ёзишича, ас-Саҳҳаф Америка қўшинларининг 9 апрел куни Бағдодга кириб келишларидан бир неча соат аввал ўзини ўзи ўлдирган. Ироқдаги жанговар ҳаракатлар бошланганидан сўнг, юзага келган ахборот урушида энг етакчилардан бири саналган ас-Саҳҳаф АҚШнинг 55 нафар Ироқнинг собиқ раҳбарларидан иборат "қора" рўйхатига киритилмаган. Ҳозирда мазкур рўйхатдан ўрин олган шахслар қидирилаётган бўлиб, уларнинг бир нечтасининг тақдири ҳал бўлган. Жумладан, Саддам Ҳусайннинг ўгай акаси Ватбан Иброҳим Сурия чегарасида ҳибсга олинган. Саддамнинг кичик ўғли Кусай кетаётган машина 8 апрел куни бомба ҳужумига учраган бўлса, Басра яқинидаги жангларда "Кимёвий Али" номи билан танилган генерал Али Ҳасан ал-Мажид ҳалок бўлган. Шунингдек, президентнинг фан масалалари бўйича маслаҳатчиси генерал Амир Ҳамуди Ҳасан ас-Саади ўз хоҳиши билан америкаликларга таслим бўлган, президентнинг ядро қуроллари ишлаб чиқариш бўйича маслаҳатчиси Жафар ал-Жафар эса 13 апрел куни қўлга олинган.

## ПАУЭЛЛ: СУРИЯГА УРУШ ҚИЛИНМАЙДИ

***АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Сурия масаласи ҳақида фикр билдириб, Қўшма Штатларнинг бу давлатга қарши ҳеч қандай ҳарбий операциялар ўтказиш режаси йўқлигини айтган.***



Сўнгги ҳафта ичида расмий Дамашқ номига Вашингтон томонидан Ироқнинг собиқ ҳукумат аъзоларига ёрдам бермаслик ҳақида бир неча чақириқлар билдирилган эди. Лекин, Сурия Ироқ раҳбарларининг чегарадан ўтишларига йўл қўйилмаганлигини айтмоқда. БМТ Бош котиби Кофи Аннан эса Вашингтоннинг Дамашққа нисбатан юритаётган сиёсатидан хавотирланиб, халқаро хавфсизлик ва тинчликка дахлдор ҳар қандай масала БМТ доирасида ҳал этилишини таъкидлаган.

## ФАЛАСТИНЛИК ЖАНГАРИ ҲИБСГА ОЛИНДИ

***Америка аскарлари Бағдод шаҳрида Фаластин Озодлик Фронтининг етакчиларидан бири саналган Абу Аббосни қўлга олдилар.***



АҚШ президенти Жорж Буш Ироқда яшириниб юрган экстремистлар ҳақида гапирганида Абу Аббос исмини ҳам тилга олган эди. Айнан у 1985 йил Александриядан Мисрнинг Саид порти томон келаётган "Ахилле Лауро" саёҳатчи кемасини гаровга олишда иштирок этган. Террорчилар кемадаги 69 ёшли америкалик Леон Клингхофферни ўлдириб, океанга улоқтиришган эди. Шундан сўнг ўтказилган махсус операция вақтида жиноятчиларнинг 4 нафари ҳибсга олинган, лекин Абу Аббос қочишга муваффақ бўлган эди.

## SARS ҚУРБОНЛАРИ ОШИБ БОРМОҚДА

***Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти вакиллари Пекин шаҳридаги иккита ҳарбий госпиталга ташриф буюрдилар.***



Чунки бугунга қадар 64 нафар хитойлик ушбу хавфнинг қурбонига айланганлар. Хитой ҳукумати эса яқинлашиб келаётган миллий байрамда 100 миллиондан ошиқроқ кишиларнинг иштирок этиши боис, номаълум SARS касалига қарши курашнинг иккинчи босқичига киришди. Унга кўра, самолётлар, поездлар, автобуслар, юк ташувчи машиналар, ташкилотлар дезинфекция кўригидан ўтказилади. Кеча эса Осиёнинг Сингапур давлатида яна бир киши мазкур касаллик туфайли ҳаётдан кўз юмди ва мамлакатдаги қурбонлар сони 12 нафарга етди. Дунё бўйича эса SARSдан вафот этганлар ҳозирча 154 нафарни, ундан зарарланганлар эса 3169 нафарни ташкил этмоқда.

## ВАШИНГТОН – ПХЕНЬЯН МУЗОКАРАЛАРИ

***АҚШ президенти Жорж Буш келгуси ҳафта Пекинда Шимолий Корея ва Қўшма Штатлар ўртасида бўладиган музокаралар режасини маъқуллади.***



Бўлғуси музокараларда Вашингтон делегациясига АҚШ давлат котиби ўринбосари Жеймс Келли бошчилик қилади. Ва ундаги бош масала расмий Пхеньяннинг ядро қуроли ишлаб чиқариш тўғрисидаги ҳаракатлари саналиб, муаммони тинч йўл билан ҳал этишдир. Бу ҳақда Американинг Жанубий Кореядаги элчиси Томас Хаббард ҳам маълум қилган ва музокаралар ўтказиш борасидаги иккала томоннинг ҳам илк қадамларини юқори баҳолаган. Расмий Пекин эса нафақат учрашув манзили бўлишга, балки воситачилик қилишга ҳам тайёр эканлигини билдирган.

## ЧЕЧЕНИСТОН: ЖАСАДЛАР КЎМИЛГАН ОБЪЕКТЛАР

***"BBC News"нинг хабар беришича, Чеченистон ҳукумати бошлиғи ўринбосари Мовсур Ҳамидов иккинчи чечен кампаниясида 1500 нафарга яқин одамларнинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги манбаларни тасдиқлаган.***



Унинг айтишича, республика ҳудудида жасадлар оммавий кўмилган 49 та жой борлиги аниқланган. Ва уларнинг бир нечтасига 2-3 та, яна бир нечтасига 5-6 та, бошқаларга эса ундан ҳам кўпроқ жасадлар кўмилган. Чеченистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фикрича, бундай жиноятларда ҳам жангариларни, ҳам Россия ҳарбийларининг қўли бўлиши мумкин. Ундан аввалроқ республика раҳбари Аҳмад Қодиров эса Франциянинг "Le Mond" газетасининг Чеченистондаги оммавий кўмилган жойларда 3 мингдан ошиқроқ жасадлар борлиги ҳақида тарқатган хабарларини асоссиз, дея баҳолаган эди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# АДАБЁТДА ДАВР РУҲИ

(Боши 1-бетда)

Янгича баҳолаш тартиблари урф бўлиб бораётган ҳозирги кунларда мен учун 5 рақами аввалги жозибасини деярли йўқотди.

**-Бугунги адабий жараёндаги давр руҳи ифодаси сизни қаноатлантирадими?**

-Адабиётимиз ҳаётдан, давр суръатидан ортда қоляпти, деган қарашларга мен сира қўшила олмайман. Ҳозирги ўзбек миллий шеърияти, насри, драматургиясининг, шунингдек, адабий танқид ва адабиётшунослигининг энг яхши намуналарига бир назар ташланг, уларда давр руҳи уфуриб турибди. Абдували Қутбиддин, Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад, Азиз Саид каби шоирлар шеъриятидаги фикрлаш тарзи фақат ўтган аср охири ва янги аср бошларидагина рўй бериши мумкин бўлган адабий ҳодисадир. Устоз Саид Аҳмад, Ш.Холмирзаев, О.Мухтор, Ҳ.Дўстмуҳаммад, Ш.Бўтаев, У.Ҳамдамларнинг ҳикоя, қисса, романлари персонажлари руҳияти тасвири - таҳлили айни шу янги давр бадиий кашфиётларидандир. "Бир кошона сирлари", "Бир қадам йўл" спектакллари айни шу кунларнинг асаридир. Бугунги адабиётшунослик ва танқид ҳам ўн йил, ҳатто беш йил бурунги танқид эмас. Мумтоз адабиётимизнинг, янги ўзбек адабиёти тарихининг, миллий адабиётимиз дурдоналари саналмиш ўнлаб асарларнинг кейинги тўлқинлари тамомила янгича... Қисқаси, бугунги адабиётда ҳам, адабиёт илмида ҳам замон нафаси, замонавий тафаккур яққол сезилади.

**-Модерн адабиётга қарашингиз: Модерн адабиётнинг мезонлари борми? Мен уни жиловсиз эркинлик деб тушунаман…**

-Бетиним янгиланиб бораётган адабиётгина ривожланаётган адабиётдир. XX аср жаҳон адабиёти тарихга модерн адабиёт сифатида кирди. Модернизм адабиёт ва санъатда етакчи йўналишга айланди.

Шўро даври адабий сиёсати тиш-тирноғи билан модернизмга қарши қаратилгани учун бизда бу йўналиш суст ривожланди. Йўлдаги ғовлар олиб ташлангач, қисқа фурсат ичида бизда ҳам чин маънодаги модерн шеърият, наср, драма намуналари бўй кўрсата бошлади. Анъанавий адабий мезонларга зид бўлгани учун бир қарашда бу йўналишга мансуб асарлар ўқувчига тушуниксиз, тартибсиз, асов бир кўриниш касб этади. Аслида ҳар қанча эркин, бетизгин бўлмасин, модерн асарнинг ҳам ўз ички мантиғи, тартиби, қонунияти бор. Модернизм инсон табиати, руҳиятини, биз ҳали англаб етмаган сир-синоати, қолипларга тушмайдиган жилолари, қолаверса, ҳозирги замон фалсафаси, руҳшунослиги билан узвий алоқадор ғаройиб ҳодисадир. Ницшени, Фрейдни, Юнгни, синергетика таълимотини билмай туриб модернизмни англаш мушкул. Адабий танқид мана шу жиҳатларни тўла ўзлаштириб олмагани туфайли янги бадиий ҳодиса моҳиятини очиб беришда бир оз қийналяпти. Модерн йўлини тушунарсиз, ҳатто бизга ёт, ёроқсиз деб бутунлай рад этувчилар ҳам, уни жон жаҳди билан ҳимоя қилиб, бенуқсон ҳолда кўришга уринувчилар ҳам бор. Аминманки, бу йўналиш вақт ўтиши билан сайқалланиб, айрим бирёқламаликлардан халос бўлади. Ҳар қандай адабий оқимда учрагани каби бу йўналишдаги юзаки, хом асарлар унутилади. Табиийки, замон билан бирга китобхон ҳам ўзгаради, чинакам санъат даражасига кўтарилган етук модерн асарлар уларга тушунарли бўлиб боради.

**-XIX асрнинг забардаст қаламкашлари Бальзак, Достоевскийларнинг кўпчилик асарлари тирикчилик манбаига қурилгани сир эмас. Бугунги кун ёзувчиси шундай йўл тута оладими?**

-Бугунги даврда ёзувчиликнинг нонини ейиш мушкул иш. Масалан, Туркияда катта ёзувчиларнинг 5, 6 тадан савдо дўконлари бор, улар топган бойлигини адабиётга беради, уларга адабиёт пул топиш манбаи эмас. Тасодиф бўлиб, дунёни забт этадиган асар ёзган ижодкорга омад кулиб боқиши, ишлари юришиб кетиши мумкин. Бугуннинг воқеаси бўлган бразилиялик ёзувчи Пауло Коэльонинг асарлари саволингизга жавоб бўла олади.

**-Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчи эдим, аввалари чекка қишлоқда яшовчи деҳқоннинг уйига "Шарқ юлдузи", "Ёшлик" сингари журналлар кириб борган. Одатда қаламкашларнинг аксарият янги асарлари журналларда чоп этилади... Яна янги нашрдан чиқаётган китобларнинг китобхон қўлига етиб бориши муаммоси ҳам бор. Ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг сўзлари билан айтганда, "Китоб ўқийдиганларда пул йўқ, пули кўплар китоб ўқимайди".**

-Масаланинг оғриқли томони шундаки, кўпгина бадиий асарларда савия етишмайди. Натижада китобхон ҳақиқий ҳаётий реалликдан узоқ, нотугал воқеликни қамраб оладиган асарлардан безади. Нафсиламбирини айтганда, бугун ҳам ўзбек ўқувчиси - ўқияпти. Фақатгина олдимизда турган энг муҳим масала – ўқувчини маънавий, руҳий комилликка чорлайдиган, ички дунёсида эзгу ишларга қодирлик ҳиссини таъминлайдиган асарларни яратишдир. Шундагина китобхоннинг мутолаага иштиёқи ошади. Бу гап кўпроқ оммавий ахборот воситаларига ҳам тааллуқли.



**-Сиз газетхонларимизга кейинги йилларда яратилган қайси асарларни ўқишни тавсия этар эдингиз?**

-Мен ўқувчиларга ҳаммадан бурун "Жаҳон адабиёти" журналининг шу йил 1-сонида эълон этилган бразилиялик адиб Пауло Коэльонинг "Алхимик" романини ўқишни тавсия этардим. Қисқа муддат ичида жаҳонни забт этган бу асарни О.Шарафиддинов зўр илҳом билан таржима қилган. "Алхимик" сўз санъатининг инсон руҳиятига кучли таъсири, қарашларни ўзгартириб юборишга қодир сеҳрли кучини яна бир бор намойиш этувчи ноёб бадиий дурдонадир. Энг муҳими бу асар эртакнамо, ҳаммага, болаларгаю кексаларга тушунарли бўлган соддалик билан баён этилган. Жаҳон адабиётининг энг жиддий янгиликларини она тилимизга ўгириш бобида ҳам дадил қадамлар қўйиляпти. Улар билан танишиш, янгиликлардан огоҳ бўлиб туриш ҳақиқий китобхонга кўп нарса беради. Бунинг учун ўқувчиларимиздан зийраклик, бугуннинг руҳи билан нафас олиш, том маънодаги зиёлилик талаб этилади. Назаримда бу эзгу ишларнинг тарғиботчиси ва илҳомчиси оммавий ахборот воситаларидир. Мен ана шу улуғ ишларда уларга куч-қувват, ғайрат-шижоат тилайман.

**-Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Суҳбатдош:**
**Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА.**

# "ОНА ВА БОЛА" МАЖМУАСИ

ТИББИЁТ

***"Дунёда соғлиқдан ҳам қимматбаҳо бойлик йўқдир", деганда донишманд минг карра ҳақ эди. Эътиборли жиҳати бизнинг Ватанимизда ҳам аҳоли саломатлигини сақлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.***



Мамлакатимизнинг турли бурчакларида янги-янги соғлиқни сақлаш муассасалари барпо этилиб, ишга туширилаётгани, кўплаб шифо масканларининг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланаётгани фикримизни яққол исботлайди.

Мамлакатимиз пойтахтининг шундоқ биқинида жойлашган Қибрай туманида соғлиқни сақлаш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳам алоҳида эътирофга молик. 160 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган туманда ҳозирги кунда бир қатор тиббиёт муассасалари, ўнлаб малакали шифокорлар хизмат кўрсатишаётир. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш чораларини янада кучайтириш мақсадида яқинда туман марказида янги марказ фойдаланишга топширилди.



"Она ва бола" тиббиёт маркази асосан ҳашар йўли билан барпо этилганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз,-дейди туман ҳокими С.Тошхўжаев, - Тумандаги бир қатор маҳаллалар, хўжаликлар, корхона ва ташкилотлар мазкур муассаса қурилишига баҳоли қудрат улуш қўшдилар.

Оналар ва болалар маркази биноси қисқа фурсатда қад ростлади. 100 ўринга мўлжалланган мазкур шифо маскани махсус каравотлар, мебеллар тўплами, Германияда ишлаб чиқарилган РО-6 русумли наркоз ускунаси, юрак фаолиятини яхшилашда ишлатиладиган дефибриллятор, ЭКГ қурилмалари, гинекологик курсилар ва шу каби кўплаб замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланган.



"Она ва бола" марказининг очилиши байрамга айланиб кетди, десак муболаға бўлмас. Тантанада туман фаоллари, вилоят ва республика вакиллари иштирок этишди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров сўзга чиқиб, қибрайликларни янги шифо масканининг ишга тушгани билан қутлади. У марказ биноси қурилишига беминнат ҳисса қўшган саховатпешаларга ўз миннатдорчилигини билдирди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан марказ жамоасига тиббий тез ёрдам учун мўлжалланган "Дамас" енгил автомашинаси топширилди.

-Ушбу марказнинг ташкил этилиши туманимиз аҳолиси, хусусан, аёллар ва болалар саломатлигини асраш йўлидаги дадил қадам бўлди, - дейди туман марказий касалхонаси бош ҳакими Ҳикмат Шермуҳамедов. – Насиб этса, бу марказда иқтидорли тиббиёт ходимлари фаолият кўрсатиб, зиммаларидаги вазифани масъулият билан адо этадилар.

Бу фикрга биз ҳам қўшиламиз. Зеро, аёлларимиз соғлиғи, фарзандларимизнинг баркамол вояга етиши мамлакат истиқболини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Дарвоқе, яна бир гап. Ушбу маскан тизимидаги туғруқхона мажмуида дунёга келган биринчи чақалоқ учун туман ҳокимлиги томонидан ажойиб совға ҳозирланган. Унинг қандай мукофот эканлиги ҳам, туҳфанинг бўлғуси соҳиби ҳам вақти келиб аён бўлади.

**Р.ЖАББОРОВ,**
**Ҳ.ШАМШИЕВА.**

**СУРАТЛАРДА:** марказнинг очилиш маросимидан лавҳалар.

**Ф.АБДУРАСУЛОВ олган суратлар.**

# АСЛИНГ КАБИ КЎРИН

(Боши 1-бетда)

Йил ғолиби эълон қилинадиган лаҳзалардаги юракни ларзага солувчи чексиз ҳаяжон туйғуси... Ҳаммаҳаммаси эстрада вакилларини ҳам, қўшиқ мухлисларини ҳам бирдек мафтун қилиб олади.

Бу йилги тадбир ҳам фақатгина "Тарона"га хос бўлган анъаналар билан бошланди. Белгиланган 12 номинация бўйича номзодлар навбатма-навбат эълон қилингач, ҳар бир номинациянинг ғолибини ўзбек қўшиқчилик санъатининг етук намояндалари аниқлаб беришди. Ғолибларни эстрада юлдузлари ҳамда истеъдодли ёшлар ўзларининг дилрабо куй-қўшиқлари билан қутлашган бўлса, томошабинларнинг тинимсиз олқишу янгроқ қарсаклари маросимга ўзгача



файз бағишлади. Аммо гап бунда эмас...

Гап шундаки, тақдимот маросимидан бир ҳафта илгари бўлиб ўтган матбуот анжуманида маросимни ўтказиш учун белгиланган масъул шахслар "ўзбек шоу бизнесидаги нуфузли мукофот - "Тарона" тақдимоти эгаларини Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров бошчилигидаги ҳакамлар ҳайъати аниқлаб беради", дея таъкидлаган ҳамда ҳайъат таркибида Маданият вазирлиги ва "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг бир гуруҳ вакиллари фаолият кўрсатишини айтиб ўтгандилар. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали берилган реклама роликларида ҳам "концертда жонли ижро ҳамда фонограммадан фойдаланилиши" алоҳида қайд этиб ўтилганди. Бироқ, ғолиблар ва "Тарона-2003"нинг номзодлари рўйхати билан яқиндан танишарканмиз, бизда ҳакамлар ҳайъатининг фаолиятига нисбатан баъзи эътирозлар туғилди. Эътибор беринг, 12 номинациянинг ҳар биттасига 3 нафардан номзод даъвогар. Уларнинг атиги биттаси ўз йўналиши бўйича энг яхши, деб тан олиниши керак. Демак, жами номзодларнинг сони 36 та бўлиши лозим эди. Бироқ... 12 номинация бўйича атиги 23 нафар (!) санъаткорнинг номзоди қўйилганига нима дейсиз?! Наҳотки номзодлар сонини 36 тага етказишнинг иложи топилмаган бўлса?! Ҳатто айрим номзодларнинг бир эмас, икки эмас, тўртта номинация бўйича баҳслашганини қандай тушуниш мумкин?

"Йилнинг энг яхши саҳна қиёфаси" ҳамда "Йилнинг энг яхши аёл қўшиқчиси" номинациялари бўйича "Тарона-2003" ғолиби бўлган Шаҳзоданинг "Йилнинг энг яхши мусиқий альбоми" ва "Йил қўшиғи" номинациялари бўйича ҳам ғолибликка даъвогарлик қилганини нима деб изоҳлаш мумкин? Ва айнан юқорида айтиб ўтилган тўртта номинация бўйича номзоди илгари сурилган Райҳона Ғаниеванинг бу йилги тақдимотни ҳам "Тарона" статуэткаси билан тарк этиши... Сарвар Раҳматхўжаев, Сергей Воробьев, "Фазо" гуруҳи, "Саҳар" гуруҳи, Шоира Отабекова, Даврон Эргашевларнинг иккитадан номинация бўйича, "Тарона Рекордс" студиясининг бадиий-мусиқий муҳаррири лавозимида фаолият кўрсатувчи қўшиқчи-шоира Шаҳнознинг эса учта номинация бўйича "Йилнинг энг яхшиси", дея эътироф этилишга даъвогар бўлгани-ю, икки номинация бўйича "Тарона" статуэткасига лойиқ номзод, дея топилганини эса ўзингиз истаганча талқин қилаверинг...

Бугунги кунда мамлакатимизнинг чекка-чекка жойларида иқтидори ҳали кўзи очилмаган булоқдек дам қайнаб, дам кўпириб турган истеъдодларни қидириб топиш, тарбиялаш, шакллантириш долзарб муаммолардан бирига айланган. Ана шундай бир оғиз рағбатли сўз, бир бора олқишга муҳтож истеъдодларнинг кўнглини кўтариш, уларни янгидан-янги ютуқларга илҳомлантириш



ўрнига FM диапазонлари, телеканаллар ва матбуотни "забт" этиб улгурган "юлдуз"ларни қўллаб-қувватлаётган "Тарона"нинг бу "фаолияти" жамиятга нечоғли фойда беради? Очиғини айтиш керак, улар машҳурларни мукофотлаш орқали ўзларини реклама қилиб олишади, ҳаттоки қай бир даражада манфаат кўришлари ҳам табиий. Бироқ...

Энди, иккинчи масала, жонли ижро хусусида фикр юритсак:



тўғри, оммавий маросим пайтлари фонограммадан фойдаланишнинг айби йўқ. Аммо, шунда ҳам фақатгина куйнинг ўзини фонограммада ижро этиш керак. Буни санъаткорлар тилида "минусовка" дейилади. Лекин, биз маросим давомида бирон маротаба ҳам жонли ижронинг гувоҳи бўлмадик. Куй ҳам, қўшиқ ҳам томошабинга фонограмма орқали етказилди...

Донишмандларнинг бири "гап кўп, кўмир оз" деган экан. Айтаман десак, кишини ўйлантирувчи саволлар ҳали анчагина топилади. Бироқ... Мақолага нуқта қўяр чоғимизда тасаввуф олими Жалолиддин Румийнинг бир ибратли ҳикмати беихтиёр ёдимизга тушиб кетди: "Ё аслинг каби кўрин, ё кўрингагнинг каби бўл!"...

**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**
**Т.ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

# SPORT OLAMIDA

## ЙИРИК ҲИСОБДАГИ МАҒЛУБИЯТ

***Ўтган куни Тошкентда ўтказилган "Пахтакор" – "Насаф" жамоалари ўртасидаги учрашув билан мамлакат XII миллий чемпионати 4-тур баҳслари ниҳоясига етди.***

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу турнинг марказий учрашуви ҳисобланган "Пахтакор" – "Насаф" жамоалари беллашуви ишқибозлар кутганидек қизиқарли кечди. Ҳар икки жамоалар майдонга фақат ғалаба учун тушганликларини яшириб ўтиришмади. Кескин ҳужумларга ва комбинацияларга бой кечган баҳсда "пахтакор"чиларга қарши муносиб ўйнашга интилган қаршиликлар ҳимоя чизиғида икки маротаба хатога йўл қўйишди.Хатодан фойдаланиб, рақиблар дарвозасига голларни 43, 82-дақиқаларда Гочкули Гочкулиев ва Сервер Жепаровлар йўллаб, тошкентликларга муҳим уч очкони ҳадя этишди. Аммо ушбу турда ишқибозлару мутахассисларни ҳайратга солган "Машъал" – "Трактор" баҳсида Вячеслав Томиллин шогирдлари ўз дарвозаларидан 5 та жавобсиз тўп ўтказиб юборишди. Бу йирик ҳисобдаги кутилмаган мағлубият "трактор"чиларни муҳим уч очкодан маҳрум этди. Турнир жадвалида "Пахтакор" билан кетма-кет ўринда келаётган Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси яна ўз мухлисларини хушнуд этди. Олий лиганинг соврини ўринларидан бирига даъвогарлик қилаётган "Қизилқум" билан сафарда ўйнаган фарғоналик футболчиларга ғалаба келтирган ягона голни Сергей Ни киритди.

Қолган беллашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Сурхон" – Бухоро 2:1, "Цементчи" – "Андижон" 2:1, "Дўстлик" – "Қўқон-1912" 3:1, "Гулистон" – "Навбаҳор" 0:0, "Металлург" – "Самарқанд-Динамо" 1:0.

Навбатдаги 5-тур беллашувлари 19 апрелда бўлиб ўтади.

## МАРҒИЛОНЛИКЛАРГА ТУҲФА

***Келажагимиз ворислари - ёшларимизнинг маънан етук, жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида ҳукуматимиз томонидан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳол.***

Кейинги пайтда мамлакатимизнинг кўпгина вилоятларида болажонлар учун спорт иншоотлари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилаётганлиги эса таҳсинга сазовор.

Куни кеча Фарғона вилоятидан хушхабар келди. Обод маҳалла йили ҳамда марғилонлик болажонларга муносиб туҳфа сифатида Марғилон шаҳридаги "Чилонзор" маҳалласида спорт мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди. Вилоят ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" жамғармаларининг вилоят, Марғилон шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида бунёд этилган ушбу спорт иншооти замон талабларига тўла жавоб беради. Муҳими, бу ерда болажонлар спортнинг волейбол, баскетбол, футбол ҳамда сузиш турлари билан шуғулланишлари мумкин.

## ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСАР

***Ота изидан бориб ўзининг бор маҳорати билан ўзбек футболи равнақига ҳисса қўша олган Азамат Абдураимов катта футбол билан хайрлашганидан сўнг, ўзини мини-футбол соҳасида ҳам синаб кўрди.***

Абдураимовлар сулоласининг тўнғичи ушбу соҳада ҳам муваффақиятга эришгач, мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. Эндиликда Азамат тажриба орттириш мақсадида Москвага сафар қилади.

## АШУРМАТОВ "СПАРТАК-АЛАНИЯ"ДА

***"Пахтакор" жамоасининг собиқ ҳимоячиси, Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси Бахтиёр Ашурматовнинг Владикавказга жўнаб кетганлигидан мухлисларнинг хабари бор албатта.***

"Спартак-Алания" таркибида тўп суриши кутилаётган ҳамюртимиз ниҳоят янги жамоаси раҳбарияти билан "тил топишди". Сўнгги маълумотларга қараганда, Бахтиёр "Спартак-Алания" таркибида икки йил тўп суради.

## ЯПОНИЯГА БОРИШАДИ

***Халқаро майдонлардаги бир неча учрашувларга ҳакамлик қилган Ўзбекистон вакиллари яна ФИФА нигоҳига тушди.***

Куни кеча Ўзбекистон футбол федерациясига келган хушхабарда шу нарса маълум қилиндики, ҳакамларимиздан Ноил Лутфуллин, Александр Попов, Рафаэл Илёсов ва Рустам Саидовлар Японияга боришади. Кунчиқар юртда ташкиллаштириладиган "Афина—2004" турнирининг саралаш учрашувида яшил майдонда Ноил Лутфуллин бош ҳакамлик қилса, Александр Попов ва Рафаэл Илёсовлар унга ёрдам берадиган бўлишди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги Г.Дмитриев номли 9-ўрта мактаб томонидан 1995 йили Агламова Умида Тауфиковна номига берилган ўрта маълумотни тасдиқловчи ҳужжат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан 1993 йил 11 февралда Рашиева Светлана Николаевна номига берилган 04-02/13259 рақамли квартира ордери йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳридаги "Чавкар" хусусий фирмаси "Чавкар" масъулияти чекланган жамият сифатида шакллантирилаётганлиги сабабли даъволар икки ой муддатда қабул қилинади. Тел. 74-36-57.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан 2002 йил 24 октябрда Багадиров Ғайратжон Нуриддинович номига берилган № 414805 рақамли чакана савдо қилиш ҳуқуқи қайд этилган патент йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 3-мактаб томонидан 1997 йили Бекинин Марат Мансурович номига берилган O'R-E № 020275 рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Журналист Эргаш Иброҳимовга ҳамкасблари ва дўсту ёронлари онаси

**Ойдин МУҲАММАДҚУЛ қизининг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

**Хўжалик, корхона, ташкилот раҳбарлари, фермерлар ва фуқаролар диққат!**

**"Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси таркибидаги Қўқон шаҳар масъулияти чекланган жамият шаклидаги**

**EFFEKTIV OIL**

**хорижий корхонаси чекланмаган миқдорда**

**МЕВА УРУҒИ ВА ДАНАКЛАРИНИ**

**СОТИБ ОЛАДИ**

Бу хайрли ишларингиз билан мустақил республикамиз халқига шифобахш дори-дармон ёғларни тайёрлашга ўз ҳиссаларингизни қўшган бўласизлар.

*Турли хилдаги уруғ ва данакларнинг сотиб олиниш тартиби ва нархлари тўғрисидаги маълумотлар юзасидан қуйидаги телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин:*

**Тошкентда 8 (371-2) 98-68-52; 98-68-53**
**Қўқонда 8 (373-55) 3-61-28; 2-13-83**

Манзил: 713000, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Усто-бозор кўчаси, 94-уй.

**МАЪМУРИЯТ**

**Жиззах шаҳар "Техника таъминот базаси" очиқ акциядорлик жамияти**

**АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

"Техника таъминот базаси" очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий ҳисобот йиғилиши 2003 йилнинг 7 майида бўлишини маълум қиламиз.

Йиғилиш Жиззах вилояти Жиззах шаҳри Зомин кўчаси, 88-уйда жойлашган "Жиззахпахтасаноат" АБ биносининг мажлислар залида соат 10.00 да бошланади.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2003 йил 8 апрел ҳолати бўйича тузилади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. "Техника таъминот базаси" очиқ акциядорлик жамияти бошқарувининг 2002 молия йилидаги фаолияти якунлари бўйича ҳисоботи;
2. Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоботи ва аудитор ҳисоботини тасдиқлаш;
3. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича дивиденд миқдорини белгилаш;
4. Жамият тафтиш комиссиясининг 2002 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3202-сонли Фармонига асосан жамиятнинг истиқболини белгилаш.

**Акциядорлар 2003 йил 7 май куни соат 9.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.**

**Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар – жисмоний шахс паспорт, юридик шахс "ишонч қоғози" – олиб келишлари лозим.**

**КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қабулхона – 133-09-93 (факс), 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

**Реклама ва эълонлар бўлими телефони:** 133-44-43, 136-58-83.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар**

**Навбатчи:** Ш.ОРТИҚОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-288, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади 18 236

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6